

ТАРИХ ИЛМИНИНГ ЎН ФОЙДАСИ

Зарипова А., Сирдарё педагогика коллежи ўқитувчиси

XV асрда яшаган машҳур муаррих Муҳаммад ибн Саййид Бурхониддин Ховандшоҳ ибн Камолиддин Маҳмуд, яъни Мирхонд (1433-1498) ўзининг 30 йил заҳмат чекиб ёзган «Равзат ус-сафо» асарида мозий илмига алоҳида фасл бағишлаган. Биз қуйида бундан 500 йил бурун Мирхонд томонидан тарих илмига берилган баҳони ёш тарихчиларимизга ҳам асқотишини назарда тутган ҳолда таниқли тарихчи олим, тарих фанлари доктори, профессор Шодмон Воҳидов талқинидаги баёнини келтирмоқдамиз:

Ҳозирги давр тарихчилари Мирхонднинг тарих фанига берган баҳоси ва тарихнависликнинг шартларини билиш муҳимдир. Ўзбекистон тарихи янги ғоявий асосларда ёзилар экан, унинг баъзи усул ва тамойиллари буюк аجدодларимиз томонидан ишлаб чиқилганлигини эътиборга олиш керак.

Мирхонд «Равзат ус-сафо» асарининг муқаддимасига «Тарих илмининг фойдалари ва давлат арбобларининг унга бўлган эҳтиёжлари, бу фанга оид асарларнинг тавсифи учун вожиб бўлган шартлар баёнида» деб ном берган. Унда тарих илмининг ўн та фойдаси ҳақидаги фикрларини келтиради:

Аввал, баъзи одамга олам маърифати ақли ва ҳиссиёти орқали муяссар бўлғай. Ҳиссиётнинг бир қисми мушоҳада ва эшитишдан иборат. Ақл эгаларига маълум бўлдим, олам аҳволини ақл билан охиригача билиб бўлмайди. Ва ҳам башарият авлодидан дунёнинг ҳолатини мушоҳада этиб унинг хайру шарри (яхши ёмонлиги)ни муояна этиб хабардор бўлса ҳам олам ва одамлар авзою атворини таамул тариқасида хабарларга асосланган тарих илми ила ўрганади. Бошқа бирор илм бундай маънога қафолат бермайди.

Иккинчи фойда, тарих илми шундай илмки, ундан хуррамлик ва хурсандлик ҳосил бўлур, хотирот кўзгусидан, малолат ва ошуфталик зангидан тоза бўлади кўз-қулоғи.

Учинчидан, тарих фанининг манбалари ҳам кўпдур, унинг таҳсили учун кўп кулфат ва машаққат керак бўлмайди, унинг асоси ҳофизи (ёдлаш)га боғлиқ..

Тўртинчи фойда шулким, агарда бу фаннинг шарофати биров ҳар хил маълумотларга эга бўлса сиқот (асосли, тўғри) ривоятга мувофиқи тўғри, ҳақ унга қарши бўлгани ёлғон ва ботилдир.

Бешинчидан, киши тарих илми орқали ўтганлар тажрибасидан хабардор бўлиб сабоқ олади, ундан кундалик ва келажак ҳаёти учун фойдаланади.

Олтинчидан, тарих олимлари кўп воқеаларни билиб, олам оқиллари билан машварат қилиш ҳуқуқига соҳибдирлар. Машваратда замон мушкулотини ўтмиш тажрибаси билан ечиш мумкин.

Еттинчидан, тарих илми ақлни чархлайди, фазилатни кўпайтиради, фикру тадбирни соғломлаштиради.

Саккизинчидан, асҳоби иқтидор ва ихтиёр оғир мушкул ҳолатларга тушганда бу фаннинг мутолаъасидан тинч ва барқарор қоладилар.

Тўққизинчи, фойда шуки, ахбор ва тарихдан хабардор бўлган шахс ва сабру ризо, қаноат мартабасини қўлга киритадилар.

Ўнинчи, фойда шулким, пошшо ва салотин, давлат арбобларию миллат аъёнлари бу шариф фан билдирадиган дунё инқилоблари ва ажойиб ўзгаришлардан хабардор бўладилар. Чунки ўтганлар ҳолатини билгандан сўнг улар неъмату бойлик ва муҳаббат муҳнатнинг (борлигига) ишониб, азияту йўқликдан маълум ва маҳзун бўлмайдилар.

Бизнингча, замонавий ва бўлажак тарихчилар ўз фаолиятларида Мирхонд каби тарихчи олимнинг ўғит ва ҳаётий тамойилларидан сабоқ олиши ва тарих илмининг

фойдаларини англаган холда Ўзбекистон тарихини ўрганишса мақсадга мувофиқ бўлган бўлур эди.